



Ислом дини пайдо бўлгандан сўнг унинг доирасида, Куръон ва Хадис ахкомига мос равишда пайдо бўлган тасаввуфий таълимотлар X—XI аерларга келиб Мовароуннахрда ҳам кенг таркала бошлади.

Тасаввуф — Якин ва Ўрта Шарк халklarининг маънавий хаёти тарихидаги энг мураккаб, ўзаро зиддиятларга тўлиб-тошган ва мухим ходисалардан бири бўлиб, унинг учун таркидунёчилик, бу дунё бойликларидан ва нозу неъматларидан воз кечиш, Аллох васлига етмак учун пок, халол, ўз меҳнати ила яшаш, ихтиёрий равишдаги факирлик характерли хусусиятлардан хисобланган.

Марказий Осиёда тасаввуфий таълимотларнинг пайдо бўлиши Юсуф Хамадоний (1048—1140) номи билан богликцир. Юсуф Хамадоний Марв ва Бухорода хонако ва Мадраса курдириб, кўплаб туркигўй, форсигўй шогирдлар тайёрлади. Бухородаги шогирдлари орасида Хасан Андокий, Абдулло Баракий, Ахмад Яссавий ва Абдухолик Гиждувоний алохида ажралиб турарди. Кейинрок бу тўрт истеъдодли шогирд Хамадоний мактабини муваффакият билан давом эттирдилар.

«Яссавия», «Накшбандия» тарикатлари Хамадоний таълимоти асо-сида шаклланди. XII аерда Марказий Осиёда пайдо бўлган илк тасаввуфий тарикатнинг асосчиси Хожа Ахмад Яссавий 1041 йилда Сайрамда, Шайх Иброхим оиласида дунёга келган. Унинг вафот этган вакти кўпгина кўлёзма манбаларда хижрий 562 (1166/67) йил деб ёзилган. Ахмад ёшлигида онасидан, сўнг отасидан ажралади. Уни бобоси Арслонбоб тарбиялаб вояга етказди. Ахмад дастлабки таълимотни Яссида машхур олим Шахобиддин Исфижобийдан олади. Сўнгра бобоси Арслонбоб кўрсатмаси билан Бухорога бориб, Юсуф Хамадонийдан таълим олади. Ахмад Яссавийнинг ўзи «Устоз Юсуф Хамадонийнинг хузурига 23 ёшида борганини ва ул Хазратнинг тарбиясига ноил бўлгонлигини» айтади. У ерда тасаввуфдан таълим олиб, сўнг ўз юрти Туркистонга кайтади, ўз таълимотини таргиб этиб, шогирд, муридлар тайёрлай бошлайди. Ривоятларга кўра, Яссавий 63 га (Пайгамбар ёшига) етгач, ер остида хужра ясатиб, «чилла»га кирган, колган умрини тоат-ибодат килиб, кимматли хикматлар ёзиб, риёзатлар чекиб, ер остида ўтказган. Бир ривоятга кўра, у 125 йил, бошка ривоятга караганда, 133 йил умр курган.

Яссавий маданиятимиз тарихида илк туркийзабон мутасаввуф шоир сифатида маълумдир. Унинг тасаввуфни таргиб этувчи туркийда ёзилган шеърлари тилининг халкка якинлиги, охангдорлиги би-лан тезда машхур бўлиб кетди.

Алишер Навоий ибораси билан айтганда, «Туркистон мулкининг улуг Шайх-ул-машойихи» Хазрати Хожа Ахмад Яссавий жуда кўп мутасаввуф донишмандларни тарбиялаб вояга етказган. Маълумки, «Яссавия» тарикатидан кейин Марказий Осиёда икки йирик тарикат пайдо бўлади: «Накшбандия» (Хўжагон), «Бектошия».

Тасаввуфдаги барча йирик тарикатларда бўлганидек, «Яссавия» тарикатининг ҳам ўзига хос муайян коидалари (одоби) бўлиб, бу таълимотдаги солиқлар куйидаги коидаларга амал қилишлари мажбур бўлган:

- 1) Мурид ҳеч кимсани ўз пиридан афзал қўрмаслиги, унга доимо таслимият изҳор қилмоғи лозим;
- 2) Мурид шунчалик зукко ва идрокли бўлиши керакки, то ўз шайхининг румуз ва ишораларини мукамал англай олсин;
- 3) Шайхнинг барча ахволи (сўзлари) ва афъоли (ишлари)га мурид содик бўлиб, унга мутлако муте ва мўътакид бўлмоғи лозим;
- 4) Мурид ўз муршиди (пири)нинг барча топшириқларини чуқур чолоқлик (чакконлик) ила сидқидилдан бажариб, уни ҳамиша рози қилиб юрмоғи зарур. Чунки ризой Аллох унинг (яъни Шайхнинг) зимнидадир;
- 5) Мурид ўз сўзига содик, ваъдасига росих бўлиб, муршиди кўнглида ҳеч қандай шаку шубҳа тугдирмаслиги зарур;
- 6) Мурид ўз ваъдасида вафодор, сўзида устувор турмоғи лозим;
- 7) Мурид ўз ихтиёридаги барча мол-мулкни, бутун бору йўғини ўз шайхига нисор этмок учун доимо тайёр турмоғи лозим;
- 8) Мурид ўз муршидининг барча сир-асрорларидан огоҳ бўлиб, унинг ифшосини ҳеч вақт ҳаёлига келтирмаслиги керак;
- 9) Мурид ўз шайхининг барча таклифларини назарда тутиб, унинг мушкilotини осон қилмоғи, панду насиҳатларини бажо келтирмоғи шарт;
- 10) Мурид Худо висоли учун ўз Шайхи йўлида бутун молу жонини нисор этмокка тайёр туриши, унинг дўстига дуст, душманига душман бўлиб яшамоғи шарт.

«Яссавия» тарикатининг барча ақидалари Ахмад Яссавийнинг асосий асари бўлмиш «Хикмат»да муфассал баён этилган. XII аердаги туркийзабон шеърятнинг ажойиб намунаси бўлган, кейинги даврлардаги туркий адабиётга катта таъсир қўрсатган «Хикмат» асарида «Яссавия» таълимотидаги поклик, ҳалоллик, тўғрилиқ, меҳр-шафқат, ўз қўл қучи, пешона тери ва ҳалол меҳнати билан кун кечириш, Аллох таоло висолига етишиш йўлида Инсонни ботинан ва зоҳиран ҳар томонлама такомиллаштириш каби илгор умуминсоний қадриятлар ифода этилган.

Бағдодда 922 йилнинг 22 март куни риёкор шайхлар ва мутаассиб уламолар томонидан худосизликда айбланиб дорға осилган, сўнгра қўл-оёқлари кесилиб, танаси қуйдирилиб, дарёга ташланган машҳур мутасаввуф олим Мансур Халлож (858-922) ни Яссавий бир талай шеърларида чуқур ҳурмат билан тилга олади, мазкур илгор, довюрак ва жасур мутасаввуф донишмандга катта рағбат қўрсатади:

«Билмадилар мўллолар «Анал-хак» нинг маъносин,
Кол ахлига хол илмин Хак қўрмади муносиб,
Ривоятлар битилди, холин ани билмади,
Мансурдек авлиёни қўйдилар дорға осиб,
Шариатдур, деб олимлар буюрдилар,
Кофир Мансур ўлмади, деб қуйдурдилар.
Ахгар қилиб қулин қўкка совурдилар,

Тогу тузлар «Анал-хак», деб турар эрмиш».

Яссавий хам ўзининг пири бузруквори Шайх Юсуфи Хамадонийга ўхшаб мол-дунё тўплашга мутлако кизикмаганини, камбагалпарвар ва гарибпарвар бўлиб яшаганлигини унинг баъзи бир хикматларидан хам билса бўлади. Мол-дунёга, бойликка ва давлат орттиришга муккасидан кетган, хасис ва очофат кишиларни Яссавий беаёв танкид килади:

Бешак билинг бу дунё барча халкдан ўтаро, Ишонмагил молингга, бир кун кўлдан кеторо, Ото, оно, кариндош каён кетди, фикр кил, Тўрт оёклик чўбин от бир кун санго еторо.

Дархакикат, Хожа Ахмад Яссавий Марказий Осиёдаги илк тасаввуфий тарикат — «Яссавия»нинг асосчиси, нафакат Хуросон ва Мавороуннахр, балки туркийзабон халкларнинг маънавий тарихида кенг маълум бўлган, мутасаввуф донишманд, инсонпарвар шоир ҳисобланади.